
Риштон туманида Фахрийлар кенгашининг биринчи таъсис йиғилиши бўлиб ўтди

Кенгаш йиғилишида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, туман Маънавият ва маърифат бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ва туман Спортни ривожлантириш бўлими, маҳаллалардаги нуронийлар ва ёшлар етакчилари ҳамда тегишли ташкилот вакиллари иштирок этди. Кун тартибида Муҳтарам Президентимизнинг ПҚ 92-сонли қарори ижросини таъминлаш, маҳаллалардаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, бир нуронийга ўн нафар ёш тамойили асосида ишлаш чоралари ҳамда ёшларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш белгилаб олинди. Кенгаш йиғилишида Ёшлар ишлари агентлиги Риштон туман бўлимининг ҳисоботлари тингланди.

2022-04-29 16:07:38